

Farg'ona haqiqati

Bosh hamkor – Farg'ona viloyati hokimligi

<http://farhaqiqat.uz/>
t.me/farhaqiqati

№ 39 (24636)



Халқ депутатлари Фарғона вилояти
Кенгаши сессиясида

САВОЛЛАР ЖАВОБСИЗ ҚОЛМАДИ

2 БЕТ

Замон шиддат билан кечмоқда. Баъзида қанчалар эзгу бўлмасин, режаларга улгурмай қоламиз. Баъзида қайсидир амалдор, масъул шахснинг лоқайдлиги муаммо ёнига яна бирини қўшади. Нима бўлганида ҳам ривожланиш, амалий ишлар, қувончли онлар кам эмас. Аммо, ҳаёт ҳеч қачон тўла-тўқис бўлмаганидек, ҳали қилинадиган ишлар кўп.



МАМЛАКАТИМИЗДА
ИЛК БОР:

РИШТОН КУЛОЛЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ САНОАТ ЗОНАСИ



2 БЕТ

МАДАМИНБЕК МИЛЛАТ ҚАҲРАМОНИ ЭДИ

6 БЕТ



Бир мақсад Йўлидаги ҲАМКОРЛИК



4 БЕТ

МОҲИРА — жаҳон чемпионати совриндори



2 БЕТ

ХОРИЖ
ТАЖРИБАСИДАН

ҲЕЧ ҚАЧОН МЕН
УНИВЕРСАЛ
БЛОГЕРМАН
ДЕБ ЖАР СОЛМАНГ!

ОДДИЙ МАСЛАҲАТ

БЛОГЕРМАН ДЕЙИШГА
ШОШИЛМАНГ!

5 БЕТ



Халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгаши сессиясида

САВОЛЛАР ЖАВОБСИЗ ҚОЛМАДИ



(Бошланиши 1-бетда).

Халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг навбатдаги 44-сессиясида ҳам куннинг долзарб масалалари депутатлар муҳокамасига қўйилди. Улар орасида вилоятдаги тез тиббий ва шошилич ёрдам хизмати муассасалари фаолияти, вилоятда хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича кўрилаётган чоралар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 январдаги "2022-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилма-

сини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси, вилоятдаги чегараолди ҳудудларида чегара зонаси ва чегара минтақасини белгилаш, автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора-тадбирлари каби ечимини кутаётган "гап"лар бор эди.

Депутатлар ҳар бир масала юзасидан ҳисобот ёки ахборот берган амалдорларни "қаттиқ" саволга тутдилар. Нега тез ёрдам машиналари кеч келади, чегараолди ҳудудлари ўралиши

лозимми, нега йўл белгилари кам ва автоҳалокатда ўлим ҳолатлари кўплигига ким жавоб беради... каби ўткир, танбеҳнамо сўровларга жавоб олиш осон бўлмади.

Сессия муҳокама этилган барча масалалар юзасидан қарорлар қабул қилди. Унинг ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Манзураҳон Салимова иштирок этди ва кун тартибидagi масалалар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Ўз мухбиримиз.

МАМЛАКАТИМИЗДА

ИЛК БОР:

РИШТОН КУЛОЛЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ САНОАТ ЗОНАСИ

Кейинги йилларда юртимизда кулолчиликни ривожлантириш, соҳага янги технологияларни татбиқ этиш, тадбиркорларга имтиёзлар ва қўлай шарт-шароит яратиш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бу имкониятлар натижасида таъкидлаш жоизки, ўз услуби ва йўналишига эга Риштон кулолчилиги тез суръатларда ривожланиб бормоқда.

Президентимиз ўтган йили Риштон туманига ташриф буюриб, сопол ва чинни буюмлар ишлаб чиқарувчилар учун қўлай шарт-шароит яратиш бўйича кўрсатмалар берган эди. Вилоят ҳокимлиги томонидан ҳам туманда кулолчиликни янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланди. Ўтган давр мобайнида маҳаллий бюджет ҳисобидан 3,5 млрд. сўмдан зиёд маблағ ажратилиб, sanoat зонасининг ички йўллари асфальтланди, электр ва газ тармоғи тортилди, неча йиллардан бери ишламай келаётган, қаровсиз қолган собиқ кулолчилик заводи ҳудудида ишлаб чиқариш корхоналари ташкил қилинди, янги иш ўринлари яратилди. Натижада мамлакатимизда биринчи бор кулолчилик маҳсулотлари sanoat зонасига асос солинди.

Кеча Алишер Навоий маҳалла фуқаролар йиғинидаги ана шу мажмуанинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров иштирок этди.

— Давлатимиз раҳбарининг ўтган ҳафтада вилоятимизга ташрифидан сўнг туманга мазкур соҳа ривожини учун яна 100 миллиард сўм қўшимча маблағ ажратилганидан бўлди. Айтиш мумкинки, азалдан ҳунармандлар юрти бўлган

Риштонда кулолчилик қайта жонланиб, жадал ривожланиш босқичига юз тутмоқда, — деди вилоят ҳокими. — Риштонлик кулоллар ишлаб чиқараётган буюмлар бугун дунёнинг кўплаб мамлакатларида



машҳур. Sanoat зонаси ташкил этилиб, маҳсулотлар сифати, тури ва экспорт ҳажминини янада ошириш кўзда тутилмоқда. Умид қиламизки, бу ҳаракатлар туман ва вилоятимиз иқтисодий юксалишига ижобий ҳисса бўлиб қўшилади.

Ихтисослашган sanoat зонасида умумий лойиҳа қиймати 75,8 млрд. сўм бўлган 37 та чинни ва керамика буюмлари ишлаб чиқариш ва безак бериш корхоналари ташкил этилди, 7200 дан зиёд иш ўрни яратилди. Шу билан бирга, туризмни ривожлантириш бўйича лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Тадбиркор Мухайё Сатторова раҳбарлигидаги "MM Porcelain" МЧЖ, Шокиржон Аҳмаджонов раҳбарлигидаги "Mingboshi ceramic" оилавий корхоналари томонидан чинни ва сопол буюмлар ишлаб чиқариш, касаначилик асосида безак бериш, кулолчилик кластери инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Жумладан, "MM Porcelain" МЧЖ томонидан 100 дан ортиқ хотин-қизлар доимий иш билан таъминланиб, яқин ҳудуддаги маҳаллаларнинг 700 нафардан ортиқ аёллари касаначилик асосида ишга жалб



этилган. "Mingboshi ceramic" оилавий корхонаси томонидан эса қиймати 10,0 млрд. сўм бўлган лойиҳа асосида кулолчилик кооперацияси ташкил этилди. Бу ерда ҳам 100 та доимий ва 3 мингдан зиёд касаначилик асосидаги иш ўринлари яратилди.

Ҳудуддаги "Sher and Temur chinnilari", "Binafsha billur chinni buyumlari", "Plate gold", "Firdavs best ceramic" сингари оилавий корхоналар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан кулолчилик маҳсулотларига безак бериш, қолип, сопол маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишларида мингдан зиёд иш ўринлари ташкил қилинди.

— Камтарона меҳнатимиз қадрланаётганидан, Риштоннинг сопол ва чинни буюмлари жаҳонга машҳур бўлаётганидан мамнунмиз, — дейди моҳир кулол Хуршидбек Раҳматуллаев. — Бугунги тадбир барча кулоллар ва тадбиркорлар учун ҳақиқий байрамга айланиб кетди. Вилоят ҳокими барча ишларимизда бизга кўмақдош бўляпти. Маҳсулотларимиз Россия, Қозоғистон, АҚШ, БАА, Япония каби кўплаб мамлакатларда ўз харидорларига эгаллигидан фахрланамиз.

Ҳаётжон БОЙБОБОВ.

МОҲИРА — ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ СОВРИНДОРИ

Фарғоналик Моҳира Абдуллаева бокс бўйича аёллар ўртасидаги жаҳон чемпионатида Ўзбекистон учун тарихда илк медални қўлга киритди.

Туркияда ўтказилаётган бокс бўйича аёллар ўртасидаги жаҳон чемпионатида +81 килограмм вазн тоифасида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган Фарғона вилояти вакили, ФарДУ талабаси Моҳира Абдуллаева бронза медалини қўлга киритди. Моҳиранинг ютуғи, яна бир терма жамоамиз вакили Азиза Ёқубова келтирган бронза медал билан бирга бокс бўйича аёллар ўртасидаги жаҳон чемпионатларида Ўзбекистон учун тарихда илк совринлар бўлди.

Моҳира Абдуллаева ЖЧ ярим финалида марокашлик Ҳайжа Мардига қарши рингга кўтарилди. Абдуллаева 1-раундда оёғидан жароҳат олди. Шундан сўнг ҳакамлар жангни давом эттиришга рухсат бермади ва яқунда ғалаба Марокаш вакилига тақдим этилди. Моҳира бронза медал эгасига айланди.


МУҲАММАДАЗИЗ НОЁБ ҚОБИЛИЯТЛИ ЎҚУВЧИ



Риштон туманидаги 27-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Муҳаммадазиз Содиров 6 ёшидан ментал арифметика билан доимий шуғулланиб келади. У 2017 йилда республика чемпиони бўлган эди. 2018 йилда эса Москвада ҳамда 2019 йилда Хитойнинг Фошань шаҳрида 40 дан зиёд давлатлар ўқувчилари иштирокидаги ALONA mental arithmetic халқаро мусобақаларида ғолибликни қўлга киритди.

Муҳаммадазиз ўтган йили Ўзбекистон 4-ментал арифметика чемпионатида ҳам ўз ёши тоифасида фахрли биринчи ўринни эгаллади.

Хабарингиз борми?



Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш киритилади

Қонунчилик палатаси Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияларининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда сўзга чиққан депутатлар Конституцияга қўшимча ва ўзгартириш киритиш масалаларига доир фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтишди.

Даврон АРИПОВ, Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси, «Миллий тикланиш» ДП фракцияси аъзоси:

— Бош қомусимизда оила институтига алоҳида боб ажратилган бўлиб, унда оилага таъриф берилган, никоҳ тузиш асослари, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлар, оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши каби асослар белгилаб берилган. Бироқ ушбу асосларни биз бугунги кунда етарли, деб ҳисобламаймиз.

Дилором ФАЙЗИЕВА, Халқаро ишлар ва пар-

ламентлараро алоқалар қўмитаси раиси, ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси:

— Сўнгги йилларда мамлакатимизда экологияга бўлган муносабат ўзгарди, аҳолининг экологик маданияти юксалиб, соҳани тартибга солувчи қонунчилик базаси такомиллашмоқда. Ҳозирги вақтда кўплаб ривожланган давлатлар, табиатдаги глобал ўзгаришларни ҳисобга олиб, ўз конституциясига экологияга оид махсус боблар киритмоқда. Ўзбекистон Конституциясида ҳам ушбу долзарб масалага доир ҳуқуқий нормалар устувор ўрин эгаллаши лозим.

Мухтабар ҲУСАНОВА, Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси, «Миллий тикланиш» ДП фракцияси аъзоси:

— Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш, бу соҳада ҳуқуқий ўзгаришлар қилиш заруриятини тақозо этмоқда. Асосий қонунимизда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва мақоми конституциявий жиҳатдан мустаҳкамлашни бугунги даврнинг ўзи талаб этмоқда.

Шунингдек, фракция аъзолари Ўзбекистон Республикаси Конституциясини такомиллаштиришга қаратилган аниқ нормалар барча фуқаролар, жамоатчилик вакиллари ҳамда халқимизнинг таклиф ва фикрлари асосида шаклланиши, бунда очиклик ва шаффофлик таъминланиши зарурлигини билдирди.

Нигора РАҲМОНОВА, ЎЗА.



ТУРКИЯ ЛАНДШАФТ ДИЗАЙНИ ФАРҒОНАДА БЎЙ КЎРСАТАДИ

Туркиянинг ландшафт дизайнерлиги ва кўчатчилик ширкати ҳисобланган «Ormanada peyzaj» компанияси раҳбари Йилмаз Доған бошчилигидаги делегация вилоятимизга ташриф буюрди. Уларни вилоят ҳоқими Хайрулло Бозоров қабул қилди.

Учрашувда ўзаро манфаатли ҳамкорлик доирасида Фарғона вилоятида компания томонидан амалга оширилиши режалаштирилган истиқболли лойиҳалар муҳокама қилинди. «Ormanada peyzaj» компанияси ландшафт дизайнерлиги бўйича катта тажрибага эга. Туркиялик тadbиркорлар лойиҳаси асосида дунёнинг кўплаб давлатларида кўркам хиёбонлар, кўнгилочар дам олиш масканлари, хушманзара туризм шаҳарчалари бунёд этилган. Шу боис, вилоятимизнинг Экошаҳар ҳудудида ташкил этилаётган 70 гектарли «Янги Ўзбекистон» боғининг 10 гектарида ландшафт ва меъморий лойиҳани амалга ошириш учун мазкур компания билан музокара-лар олиб борилди. Лойиҳа муҳокамаси чоғида лойиҳанинг амалий ижроси юзасидан аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Яна бир лойиҳа бўйича «Ormanada peyzaj» компанияси ва Фарғона вилояти ўрмон хўжалиги бошқармаси ҳамкорлигида Қува туманида 10 гектар майдонда ноёб дарахт кўчатлари етиштириш мўлжалланмоқда. Учрашувда лойиҳа доирасидаги ишлар юзасидан фикрлар алмашилди, таклифлар эшитилди, уни амалга оширишни тезлаштириш масаласи атрофича муҳокама қилинди.

Фарғона шаҳрининг Каштанзор кўчаси бўйлаб ташкил этилиши режалаштирилаётган «Туризм кўчаси»нинг ягона концепциясини ишлаб чиқиш масаласи ҳам кун тартибидан ўрин олган эди. Самимий ва дўстона ўтган учрашувда томонлар манфаати кафолатланган лойиҳани амалга ошириш бўйича келишувга эришилди.

Инновациялар



Қиш қаҳратонида яшаш уйинг иссиқ бўлгани қандай яхши. Ёзнинг жазирама кунларида эса салқин жойларни излаб қоламиз. Бунинг бир қанча ечимлари бор: печка, кондиционер, вентилятор каби. Лекин ҳаммаси электр энергияси ёки газга боғлиқ. Хўш, уларсиз ҳам хонадонни иситиш ёки салқинлатиш мумкинми?

БУГУННИНГ ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМКОР УЙЛАРИ

Бугунги ҳаётимизни электрон қурилмалар, электр энергияси, техника воситаларисиз тасаввур этиш қийин. Электр энергиясидан фойдаланиш ҳажми йил сайин ортиб бораётгани эса мутахассислар олдида бир қатор муаммоли вазифаларни кўндаланган кўяди. Тобора долзарблашиб бораётган бу вазифалар нималардан иборат?

Инсоният фойдаланаётган табиий энергия ресурслари аста-секин тугаб боряпти, бирламчи ёқилғи-энергетика ресурсларини қазиб олиш ва қайта ишлаш харажатлари ошиб, улардан оқилона фойдаланмаслик атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу муаммонинг ечимини сифатида қурилишда инновацион ёндашувлар асосида муқобил ресурслардан самарали фойдаланиш устувор йўналишлардан бирига айланиб улгурган.

Тадқиқотчиларнинг айтишича, дунёда 1 метр квадрат майдон учун энергия сарфи йилига 120-150 кВт/соатни ташкил этади. Мамлакатимизда эса худди шунча ҳажмдаги майдон учун 390 кВт/соат энергия сарфланаркан. Келгуси ўн-ўн беш йилда аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларида электр энергиясига бўлган талаб икки баробар кўпайиши инобатга олинса, нафақат электр энергия ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, балки барча соҳаларга энергия тежамкор воситалар ҳамда муқобил энергия манбаларидан кенг фойдаланишни жалб қилиш зарурлиги ойдинлашади.

— Энергия тежамкор воситалар деганда, бирламчи энергия сарфини сезиларли даражада камайтирадиган қуёш энергияси манбалари, масалан, қуёш панеллари, қуёшда ишлайдиган сув иситкичлар,

замонавий ёритиш чироқларини ёки уй ичида салқинликни таъминловчи қурилиш материалларини тушуниш мумкин. Айни шу воситалар ёрдамида қурилган ва шаклланган уй энергия тежамкор уй деб аталади, — дейди Фарғона политехника институти энергетика факультети декани, техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) Мирсоли Ўзбеков. — Ривожланган давлатларда шундай уйлар қуриш кейинги вақтда оммалашмоқда. Аънавий энергия манбаларини тежаш, ҳавога зарарли газлар чиқишини камайтириш, яшил иқтисодиётни ривожлантириш каби тамойиллар ҳам бундай уйларга талабнинг ортишига сабабчидир.

Ҳақиқатан ҳам, глобал муаммо саналган иқлим ўзгариши, атмосферага иссиқхона газлари чиқишига барҳам бериш, умуман, кўплаб экологик долзарб масалалар борки, тезроқ энергия тежамкор уйлар қурилишига эътибор қаратишни тақозо қилади.

Аслида, на газ, на электр бўлган ўтмишдаёқ бу жиҳатлар ажодларимиз эътиборида бўлган: уй айвонини қуёшли тарафга қаратиш, деразаларни ёруғлик ва нур тушишига монанд жойлаштириш, қишки уйларнинг пастроқ, ёзги уйларнинг баландроқ бўлиши, қалин пахса деворлар айнан яшаш жойларининг ёруғ, иссиқ ва салқин бўлишига хизмат қилган.

— Институтимиз олимлари томонидан энергия тежамкор технологиялар бўйича бир қатор ишлар қилинган. Бунга «ақлли» уй концепцияси, хонадондаги электр жиҳозларини масофадан бошқариш, ҳароратни сезувчан қўшимча қурилмалар каби истиқболли лойиҳаларни мисол қи-

лиш мумкин, — дейди факультет электр энергияси кафедраси катта ўқитувчиси Иброҳимжон Исмоилов. — Дастлабки қадам сифатида «ақлли соябон» ёки қуёш-ҳаво иситкичи лойиҳаларини келтириш мумкин. «Ақлли соябон»лар қуёш панеллари билан жиҳозланиб, унда дам олиш пайтида телефонни зарядлаш ва бепул Wi-Fi хизматидан фойдаланиш мумкин, тунги пайтлари эса атрофни ёритишга хизмат қилади. Бу лойиҳа вилоят ҳокимлиги томонидан молиялаштирилиб, ҳозирги пайтда қурилгани вилоят Театр-концерт саройи атрофига ўрнатиш ишлари кетмоқда.

Қуёш-ҳаво иситкичи лойиҳаси бўйича Олтиариқ инновацион ҳудудидаги хонадонда синов ишлари якунланиш арафасида. Бунда ташқаридаги ҳаво шиша ўтказмалар орасидан ўтиш жараёнида бир неча баробар исийди ва ичкарига юқори ҳарорат бағишлайди. Бодринг, помидор экилган иссиқхонани қиш мавсумида энергия сарфлаб иситишга ҳожат қолмади. Бу лойиҳалар келгусида каттароқ ҳажмда синалади ва ҳаётга татбиқ этилади.

Энергия тежамкор уйлар оммалашмаётгани сабабларидан бири — нархнинг аънавий уйга нисбатан қимматлигидир. Яъни, алоҳида танлаб олинган материаллар, қўшимча жиҳозлар (масалан, қуёш панели, иссиқликни сақловчи қопламалар) уй қурилиши нархини кўтарди. Лекин оддий уй ўзининг рентабеллиги бўйича энергия тежамкор уй билан рақобат қилолмайди. Гап шундаки, энергия тежамкор уйлар фойдаланишга сарфланадиган харажатлар тежалиши ҳисобига бир неча йилдан сўнг



уинг эгасига арзонга тушади. Бу нима дегани? Иссиқлик ва электр энергияси учун йиллар давомида тўланадиган маблағни бир ҳисоб-китоб қилган инсон бунинг жавобини англайди.

Теранроқ назар ташланса, уйларни одатий иситиш ва совутишда бирмунча мураккаб йўлдан боришга одатланганмиз. Яъни, дастлаб иссиқлик энергиясидан электр ишлаб чиқарилади, кейин электрни иситишга сарфлаймиз. Шу схема бироз соддалаштирилса, салмоқлигина маблағ ва вақт иқтисод қилинади.

— Энергия тежамкор уйлар нафақат иқтисодий жиҳатдан, балки атроф-муҳит мусоффолигини сақлаш нуқтаи назаридан ҳам муҳим аҳамиятга эга, — дейди Мирсоли Ўзбеков. — Бу борада аҳоли хабардорлигини ошириш, кўпроқ энергия тежамкор ечимлар ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланишда аҳолининг иштирокини ошириш талаб этилмоқда. Дастлаб корхона ва ташкилотларда термал модернизация ва энергия самарадорлигини ошириш чораларини кўришни рағбатлантириш ҳам мумкин. Одамларимиз уй деворларини, томини ва полини юқори даражада изоляциялаш, дераза ва эшикларни алмаштириш, хона ҳароратини тартибга солиш қобилиятига эга инновацион иситиш тизимини ўрнатишга эътибор қаратишлари зарур.

Ҳаётжон БОЙБОБОВ.

Бир мақсад Йўлидаги ҳамкорлик

Кўштепа туманида "Global textile infinity" МЧЖ ташаббуси билан 18 гектардан ортиқ майдонда замонавий тўқимачилик корхонаси қад ростламоқда.

Умумий қиймати 115 млн. евро инвестиция лойиҳаси доирасида бу ерда 18 млн. метр ўй тўқимачилиги учун юқори сифатли мато ҳамда 10 млн. дона тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи янги қувватлар ишга туширилиб, 3 мингта янги иш ўринлари яратилади. Йиллик экспорт ҳажми 65 млн. еврога тенг.

Янги корхона маҳаллий пахта толасини тўлиқ қайта ишлаб, тайёр маҳсулотгача бўлган жараёни қамраб олади.

– Корхонамизга Швейцария, Италия ва Германия сингари қайта ишлаш ва тўқимачилик саноати ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқарилган рақамли технология ва жиҳозлар олиб келиб ўрнатилади, – дейди "Global textile infinity" МЧЖ раҳбари Муҳаммадғулом Каримов. – Бу хомашё етиштирувчилар манфаатдорлигини ошириш, қайта ишлаш ва тўқиш жараёнлари учун жуда катта имконият яратади.


Яқин-яқингача "оқ олтин" етиштириш ва хомашё экспорти бўйича олдинги сафларда эканлигимиз билан мақтанардик. Аслида эса, минг машаққат билан етиштирилган ҳосилни сув текинга бериб юбориш билан овоза бўлганмиз. Кўклардан то кеч кузга қадар даладан келмаган деҳқон мисқоллаб терган пахтасини бирламчи қайта ишлаш саноатига йўналтириш билан чекланган. Меҳнатга яраша даромад ҳам ҳаминқадар эди.

Ҳисоб-китобларга кўра, 1 килограмм пахта толаси хомашё сифатида сотилса, унинг қиймати 1,5 АҚШ долларини ташкил этади. Агар ундан калава ип йиғирилса, 2,5-3 доллар, жинси матоси тўқилса, 5-7 долларгача қўшилади. Шундан жинси шим тикиб, тайёр маҳсулотга айлантирилса, 15-20 доллар қўшимча қиймат ҳосил бўлади.

Бир қараганда, оддий арифметика. Аммо унинг замирида қанчадан-қанча иш ўринлари, инфратузилма тармоқлари, қолаверса, юрт тараққиёти, эл фаровонлиги мужассам эканлигини ҳис қилиш қийин эмас.

– Президентимиз ташаббуси билан пахта етиштириш, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот тайёрлашгача бўлган жараёни қамраб олган пахтачилик кластерлари фаолиятига асос солингани бу соҳада янги имконият эшикларини кенг очди, – дейди вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси пахтачилик бўлими бошлиғи Ахроржон Иномов. – Эндиликда пахта хомашёси экспортга буткул барҳам берилди. Вилоятимиздаги 13 та пахта-тўқимачилик кластерларида **310 минг 840 тонна пахта хомашёсини қайта ишлаш асносида 138 минг 580 тонна тола, 52 минг 560 тонна ип калава, 21 минг 650 тонна ип калавадан мато, 12 минг 720 тонна матони бўяш, 1350 тонна тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш қувватлари ишлаб турибди.** Бу сўнги чегара эмас. Айни кунда чигит экиш ва ҳосилни терибли олиш, тола ажратиш, калава ип ишлаб чиқариш, бўяш ва мато тўқиш, трикотаж маҳсулотлари тайёрлаш, тикув, чигитни қайта ишлаш корхоналари, чорвачилик комплекслари қуриш борасида истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Натижада 10 минг 600 тадан ортиқ янги иш ўринлари яратилади.

Этиборли жиҳати, пахтачилик кластерлари қисқа вақт ичида аграр



соҳанинг "драйвери"га айланди. Пахта етиштириш ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда. Масалан, ўтган йилда 2020 йилга нисбатан 4 минг 169 тонна кўп пахта етиштирилди. Жорий йилда бу миқдор салмоғи ва сифати янада кўпаяди. Натижада нафақат агросаноат мажмуи, балки бошқа тармоқлар ҳам ривожланмоқда.

– Етиштирилган пахтани тўлиқ қайта ишлаш орқали ички ва ташқи бозорга маҳсулот сотиш борасида янги лойиҳаларни татбиқ этишга эътибор қаратганимиз, – дейди "Rus o'zbek teks" МЧЖ кластер хўжалиги директори Дилшод Ҳамдамов. – Толадан калава ип ишлаб чиқариш, тўқиш, бўяш, тайёр маҳсулот яратиш, агрологистика ва чорвачилик комплексларини ташкил этиш, сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш, юқори унумли қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилиш бўйича "йўл харитаси" ишлаб чиқилди. Момиқ сочиқ ва газлама ишлаб чиқариш цехлари йил якунига қадар ишга тушди. Лойиҳа умумий қиймати 161,7 млрд. сўм. Натижада ҳар йили 4 минг тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилади,

1000 та янги иш ўринлари яратилади.

Хомашёдан тайёр маҳсулотгача бўлган ишлаб чиқариш занжирини яратиш, қўшилган қийматли рақобатбардош тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш босқичларининг тўлиқ йўлга қўйилиши тўғрисида 2 минг 221 та янги иш ўрни яратилиб, туман бюджетига 43 млрд. 637 млн. сўм ундирилиши ҳисоб-китоб қилинди.

Ишлаб чиқаришга жорий этилган ҳаётбахш ислохотлар пахта толасининг умумий экспортдаги улушини сезиларли даражада камайитириш имкониятини

беряпти. Энди тола эмас, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар экспорт амалга оширилмоқда. Масалан, 2021 йилда 424,6 млн. АҚШ долларлик тўқимачилик маҳсулотлари экспорти амалга оширилиб, умумий экспортнинг 53 фоизини ташкил этди. Бу 2020 йилга нисбатан 61,6 фоизга кўп.

Экспорт қилинган тўқимачилик маҳсулотлари таркибида пахтадан йиғирилган ип (77,3%), тайёр трикотаж ва тикувчилик кийимлари (7,8%) асосий улушни эгаллаган. Бу йўналишда 184 турдаги тўқимачилик маҳсулотлари дунёнинг 49 та давлатига экспорт қилинмоқда.

Расулжон КАМОЛОВ.

Тўқимачилик маҳсулотлари экспорт динамикаси

(АҚШ доллари ҳисобида)

	2019 йил	2020 йил	2021 йил
Товар номи	273,4	362,6	424,6
Пахтадан йиғирилган ип	229,9	290,3	328,1
Тайёр трикотаж ва тикувчилик кийимлари	5,9	18,0	32,9
Гидамлар	0,1	0,1	1,0
Нақшли мато	4,3	5,7	6,6
Бошқа тўқимачилик маҳсулотлари	3,4	4,1	7,4
Пахтадан газламалар	19,3	24,0	34,6
Пахта маҳсулотлари	2,7	4,1	5,5

Бу борадаги энг юқори улуш Хитой Халқ Республикаси (100,2 млн. АҚШ доллари – 23,6%), Россия Федерацияси (92,0 млн. АҚШ доллари – 21,7%) ва Туркия (75,7 млн. АҚШ доллари – 17,8%) давлатлари ҳиссасига тўғри келади.

Долзарб мавзу



Ahror Ziyo



БЛОГЕРМАН ДЕЙИШГА ШОШИЛМАНГ!

Хуллас, ижтимоий тармоқда ўзи учун профиль очиб, 100-150 нафар маслакдошларини дўстликка чақириб, ўзини блогерман дегувчилар кўпайиб кетди. Яна, сизнинг муаммоингизни ҳал қилиб бераман, ҳисоб рақамимга фалонча сўм тушириб қўясиз, деб имо қилгувчилар сони ортиб кетди.

Аслида, блогер ким? Жаҳон тажрибасига таянамиз (хориждан бошқасини мисол келтира олмаймиз. Сабаби, блогерлик хорижда ривожлана бошлаган. Ўзбекистонда эмас.) Хуллас, чалғиманг, фейсбукдан рўйхатдан ўтдингизми?

Демак, сиз шу ижтимоий тармоқ фаолисиз. 4 та ўхшамаган сўз ёздингизми? Ўзингизни постмен деб ҳисобланг.

Блогерлик учун сиз жуда кўп тер тўкишингизга тўғри келади. Масалан, фейсбукда кузатувчиларингиз 50 мингдан юқори ва ҳар бир постингиз муҳокамаларга сабаб бўлса, муҳокамалар сони 10 мингдан ошса, демак, билингки, сиз блогерсиз. Фейсбук ўзи тан олади. Сизга "мактуб" йўллайди. Сизни блогер сифатида тан оламан ва сиз қабул қиласизми, дейди. Агарда сиз "ҲА" десангиз, демак фейсбук блогерига айланасиз. Агарда инглиз ёки рус тилига тушунмай "НЕТ" белгисини танласангиз, тамом! Қолаверса, кимнингдир устидан ахлат ағдариб, тўхмат, бўхтон ёғдириб ёки ҳақорат қилар экансиз, ҳақоратланган кимса фейсбукка ариза йўллайдиган бўлса, сизга огоҳлантириш хати келади ёки умуман блокланасиз.

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИДАН

Ҳамма мавзуларга аралашиб, ҳаммасини ҳал қиламан деб ўзингизни универсал блогерга айлантирасиз. Бу хато. Масалан, хориж кишилари ақли етган соҳада

блогерлик қилади. Аниқроғи, ихтисослашган блогерлар фаолият олиб боради. Агарда шу кимса мусиқани жуда яхши тушунса, демак, у мусиқий блогер ва мусиқа борасида ўзининг фикрлари ва танқидларини ёза олади.

Ўзбекистон тажрибасида ихтисослашган постменлар, блогерлар чаласаводлашиб ётибди. Асли соҳаси педагог, ақли сиёсатга етмайди. Аммо бу соҳага ҳам бурун суқиб кўради. Майли, педагог ҳам блогерлик қила олади. Аммо сиёсат борасида уқувини ошириши керак.

ҲЕЧ ҚАЧОН МЕН УНИВЕРСАЛ БЛОГЕРМАН ДЕБ ЖАР СОЛМАНГ!

Универсаллик мукамалликни талаб қилади. Сиз эса мукамал бўлиш учун кўпроқ ўқиш, изланишингиз, камида 3 та диплом эгаси бўлишингиз зарур.

ОДДИЙ МАСЛАҲАТ

Майли, қайсидир мавзуга қўл урдингиз. Уни таҳлил қилиб бермоқчисиз. Аммо танланган мавзуингизнинг яхши ва ёмон тарафларини ўрганинг. Ҳуқуқий саводхонлигингизни оширинг. Бу борада қонун нима дейди? Постменлик ёки блогерликнинг ваколати нимада? Бу борада кўпроқ ўқиб, ана ундан сўнг йўлга отлангиз.

Қолаверса, ўзингиз учун аниқ йўналишни танланг. Кам таъминланганларга кўмак бериши, охиригача шу издан боринг. Яна бир муҳим томони, постингизда таҳлил беринг ва ўртада туринг. Сиз у тарафга ҳам, бу тарафга ҳам ён босиб кетмаслигингиз керак. Асосийси, шаллақи бўлмаг, бировни ҳақорат қилманг. Қонун устувор. Ана энди ўзингизни блогер дейишга уялдингизми?! Постмен киму, блогер кимлигини фарқладингизми?!

Айрим корхона ва ташкилот раҳбарлари шу постни ўқиб, кимларни сийлаётгани-ю, кимларга совға-саломлар улашаётганларини фарқлайдилар, деган умиддамиз.

Яна бир маълумот, Ахборот хизматларига, расмий бўлмаган "блогер"га муносабат билдириш шарт эмас. Оғзини ёпиб, тўхфалар улашиш ҳам шарт эмас (ишингизнинг ҳақиқий мутахассиси бўлсангиз, блогердан қўрқманг!)

Яна бир маслаҳат "блогерча"ларга, соҳада ҳалол бўлсангиз, Яратганинг ўзи сийлайди. Тамом!

Сиз нима дейсиз?



Бугуннинг гапи

"ҚАМЧИҚ" ДОВОНИ СЕЛ ВА СУВ ТОШҚИНИГА ТАЙЁРМИДИ?



Табиий ҳодисалар ичида сел ва сув тошқинлари кутилмаган талафотларни келтириб чиқариши билан хатарлидир.

Шу сабабли, ҳар йили мамлакатимизда тошқинга қарши ҳукумат комиссия томонидан сел ва сув тошқинлари хавфини бартараф этиш, дарё ва сойларда сув оқимларини хавфсиз ва барқарор ўтказиб юбориш юзасидан назарий ҳамда амалий тадбирлар ўтказилади. Айни жараёнда "Қам-

чиқ" довонидан ўтган автомобиль ҳамда темир йўлларида содир бўлиши мумкин бўлган табиий, техноген ва экологик хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, бундай вазиятда, тезкор ҳаракат қилиш бўйича доимий равишда тушунтириш-тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунда "Тошкент – Уш" автомобиль йўлида 40 та геологик хавфли участкалар, 20 та сел келиш хавфи бўлган ҳудудлар мавжуд. "Ангрен – Поп" электрлаштирилган темир йўлида 36 та геологик хавфли участкалар, 6 та сел келиш хавфи бор ҳудудларда хавфлилик даражасидан

келиб чиқиб, муҳандислик ҳимоя тадбирлари ташкил этиляпти.

2022 йилнинг март ойида ушбу автомобиль йўлининг 4 та ҳудудида қор, 6 та ҳудудда тош, 5 та ҳудудда тош-тупроқ кўчкиси ҳамда 4 та ҳудудда кўчки ёриғи кузатилди. Шу асосда мазкур ҳудудларда муҳандислик ҳимоя ва кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар амалга оширилди.

"Ангрен – Поп" электрлаштирилган темир йўлининг 1 та ҳудудида тош, 2 та ҳудудда тош-тупроқ кўчкиси ҳамда Оҳангаронсой дарёси қирғоқларининг ювилиш ҳолати содир бўлди. Ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар туфайли шу ва бошқа

кўнгилсиз ҳолатлар тезкорлик билан бартараф этилди.

Довондаги хизмат кўрсатиш шохобчалари, темир йўл бекатлари, "Чинор", "Четсув", "Кўкса-рой", "Қўшминос" МФЙларда учрашув ва давра сўхбатлари ўтказилиб, мавзуга оид эслатма ҳамда услубий қўлланмалар тарқатилди. Умуман олганда, довон ҳудудидан ўтган автомобиль ва темир йўлидаги геологик, гидрометеорологик хавфли участкалар, муҳандислик инфратузилмаларида белгиланган ишларнинг бажарилиши ишчи гуруҳи томонидан ўрганилди.

Айни жараёнда амалий саъй-ҳаракатлар доирасида Оҳангарон дарёси ўзанида ўрганиш ишлари олиб борилди. Резаксой сойининг муҳофазаси ҳудудида икки нафар фуқаро томонидан ўзани ноқонуний ўзгартириш хо-

лати аниқланиб, тегишли чора кўрилди. "Қамчиқ" тоннелида фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш, фуқаро муҳофазаси тайёргарлиги бўйича мониторинг ўтказилди.


Табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларни бартараф этиш мақсадида ёнғин-қутқарув, махсус кидирув отрядлари иштирокида махсус-тактик ўқув машғулоти ташкил этилди. Бу каби амалий тайёргарлик ишлари фавқулодда ҳолатларда йўловчилар ҳамда транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатлишини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

**Ҳасан БОБОНОВ,
Фавқулодда вазирлар вазирлигининг "Қамчиқ" махсус кидирув, ёнғин-қутқарув бошқармаси бошлиғи, полковник.**



Кирғизистоннинг олис қишлоғида бир қабр бор. 28 ёшли фарғоналик йигит дафн этилган у ерга. Қўшни республиканинг Қизилқиясидан, Учқўрғонидан ўтиб, Қоровул, Майдон, Товустон деган қишлоқларни орта қолдириб, Олой водийсига олиб борадиган нуқтада — Шиғай қишлоғида мангу “қўним топган” ўша одам. Шиғайни сел-у бўронлар тинимсиз таъқиб этавергач, туб аҳоли бу ердан қўчиб кетган аллақачонлар. Лекин ўша қабр ҳали ҳам табиат инжиқликлари ва адолатсизликларига чидаб келмоқда.

У оддий одамнинг эмас, юрт озодлиги ва истиқлоли учун курашган қўрбоши, мусулмон қўшинларининг донғи достон қўмондони, номардлар қўлида фожиали қурбон бўлган ўзимизнинг Мадаминбек қабри.



МАДАМИНБЕК

МИЛЛАТ ҚАҲРАМОНИ ЭДИ

1892 йили Марғилон атрофида, ҳозирги Тошлоқ туманининг Садда қишлоғида туғилган Мадаминбек (асл исми Муҳаммад Аминбек) ва унинг жасоратли ҳаёти, ишбилармонлик ва сиёсатдонлиги ҳақида мақолалар, очерклар, турли хил жанрдаги асарлар яратилган. Хусусан, таниқли олим Иброҳим Каримовнинг Мадаминбек сафдошларидан бўлган Аҳрорхўжа Мақсудхўжаев хотираларига асосланган “Армонда қолган Мадаминбек”, тарих фанлари доктори Қаҳрамон Ражабовнинг “Биз билган ва билмаган Мадаминбек” каби мақолалари, ёзувчи Алишер Ибодиновнинг “Қўрбоши Мадаминбек” ҳужжатли қиссаси, Бахтиёр Абдуғафурнинг “Қонли гуллар водийси: Мадаминбек” романи турли йилларда истиқлол курашчисининг ҳаёт йўли, қаҳрамонлиги билан таништиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилаётган. Чунки жасур ва оқил тинимсиз тўғрисидаги ҳақиқат узок йиллар темир парда ортида тутиб келингани рост.

Мадаминбек... Россия империясининг зулми остида яшаётган халқ қалбидаги қарамлик кишанларини парчалаш учун жуда эрта жанг-у жадаллар орасига кирди. Фарғона водийсида кўтарилган турли ғалаён ва исёнларда фаол қатнашди. Отасидек хунарманд бўлмаганининг сабаби бор. Чунки у бозорларда ҳаммоллик қилиш билан халқ юкини кўтаришдан роҳатланди. Ва бу юк бутун умр унинг бўйнида қолди. Билағида кучи бор, “каллеси бутун” йигитнинг бир кунмас бир кун йўлларида тўғаноқ бўлишига ақли етган ўша даврнинг “катталари” унга тўхмат қилиб, рус полицияси орқали совуқ Сибирь ўлкаларига-да сургун қилдиришгача борди. Бироқ бўлажак қўрбоши учун тутқундаги йиллар ҳам изсиз кетмади. Сибирдаги оғир ва машаққатли ҳаёт уни келгуси курашлар учун чиниктириб, юрт озодлиги йўлида бўладиган ҳаёт-миллат жангларига тайёрлади.

1917 йили инқилоб натижасида подшо ҳукумати ағдарилгач, 25 ёшли Мадаминбек она юртига қайтди. Унга жиддий вазифа топширилиб, Марғилонда миршаблар бошлиғи этиб тайинланди. Савол туғилиши табиий, нега энди сургундаги одамни амал курсисига ўтқишиши? Ўша пайтда Марғилонда авжга чиққан ўғрилиқ ва қароқчиликни тартибга солиш учун кучли, ҳам тадбирли одам зарур эди. Чунки жиноятчилар ҳеч кимдан хавфсирмай қўйганди. Мадаминбеккина бу ишнинг уйдасидан чиқишига ишониши ва шундай бўлди.

Бироқ Мадаминбек кундан-кун миллатдошларининг тобора зулмат ботқоғига ботиб бораётгани, оғир меҳнат қурбони бўлаётгани, халқнинг урф-одатлари, миллий қадриятлари топталаётганини сезиб борди. Ахийри Туркистонда большевиклар томонидан ўрнатилган совет тузumi Россия империяси мустамлакачилигининг янги шакли эканлиги фош бўлди. 1918 йил 19 февраль куни Туркистон Мухторияти тугатилиб, Қўқон қонга ботирилгач, Мадаминбек ортиқ чидаб туролмади. “Улуғ Туркистон” газетаси бу ҳолатни “Қўқон — ўликлар шаҳрига айланди” деб

ёзган эди.

Мадаминбек эл бошига тушаётган оғир кулфатларга барҳам беришни орта сурмаслик кераклигини тушуниди. Ўз милиционерлари билан истиқлолчилар сафига ўтди. “Дехқонларни, камбағалларни талаётган большевиклар хизматини ташладим”, деб ёзади у тарихий ҳужжатларда. Алишер Ибодинов ёзганидек, “Бу турмушининг аччиқ-чучугини тотиган, миллатининг ҳақиқий фидокори бўлган инқилобчига хос жасорат эди. Тўғри, ақли, қаттиққўл ва қобилятли Мадаминбек тез орада шўролар ҳукуматида катта лавозимларни эгаллаши мумкин эди. Аммо буларнинг ҳаммасидан воз кечиб, ўта хавфли, машаққатли ишга — қуролли кўзғолон кўтаришга жазм этди”. Қаро қисматидан кўзида ёш гил-тиллаган мазлумлар томонда бўлди.

Атрофига ватанпарвар диёнатли йигитларни йиғиш ҳаракатига тушди. Ажабки, Фарғона водийсидаги миллий озодлик ҳаракатига қўшилаётганлар сони кундан-кун кўпая бошлади. Албатта, оддий дехқонлар, далада юрган бўш-баёв йигитлар билан жангга кириб бўлмаслигини тушунган тўғма саркарда Мадаминбек замонавий армияни ташкил этишга киришди. Аскарларга қиличбозлик, милтиқ отиш санъатлари ўргатилиб, ҳарбий таълим берилди. Натижада кичик армия барпо этишга муваффақ бўлди. У Андижон, Наманган, Ўш томонларга одам юбориб, душманга қарши бирлашишга чақирди. “Туркистон Туркистон халқининг юртидир. Душманни юртимиздан ҳайдаймиз”, деган шior жуда кўп жасур йигитларни бирлаштира олди. Шундай қилиб Туркистонда биринчи бўлиб большевиклар режимига қарши қуролли курашга отланганлар фарғоналиклар бўлди.

1919 йилнинг ёзида Фарғона водийсидаги бу ҳаракат чўққисига чиқди. Сентябрьнинг бошида Мадаминбек лашкарлари Жалолобод ва Ўш шаҳарларини эгаллашди. Эски Марғилон шаҳрини қизил босқинчилардан озод қилди. Водийдаги энг йирик стратегик шаҳар — Андижонни камал қилди. Ва Мадаминбек Фарғона водийсидаги бу ҳаракатнинг олий бош қўмондони этиб сайланди.

Мадаминбекнинг 30 мингга яқин йигити қизил армияга қарши мардонавор курашди. Бу пайтда большевиклар унинг қўшинларини уюшган, дадил, яхшигина жангчи сифатида таниб олган эдилар.

Туркистон халқи дарду аламини ҳис қилган, унинг оч-яланғоч ҳолда яшаётганини кўра била туриб, жангма-жанг судрашни тўхтатишни ўйлаган Мадаминбек большевикларнинг сулҳ тузиш ҳақидаги таклифига розилик билдирди.



1920 йилнинг 6 март куни Туркистонда бу муҳим ҳужжат қабул қилинди. Узокни кўра оладиган доно сиёсатчи наздида

2-Туркистон ҳарбий қўмондонлигининг ўқчи дивизияси ва Мадаминбек қўмондонлигидаги ислом қўшини ўртасида имзоланган битим мустақилликни сақлаб қолишнинг бирдан-бир йўли эди. “Скобелев битими” номи билан тарихда қолган кун тушилган сурат ҳозиргача сақланиб қолган. Мадаминбек сиймоси ана шу суратга абадий муҳрлангандек гўё. Елкадан тортиб чап томонига қилич осиб олган, бошида Марғилон дўппи кийган омилкор саркарданинг ўткир ва теран нигоҳларида юрт қайғуси зоҳир эди.

Афсуски, ер бағирлаган заҳарли корчалонлар қўзғалишни бошлади. Ўзиникиларнинг кўксига эрк шамоли тегиши учун курашган бека ўзиникилар хиёнат қилди.

1920 йилнинг 14 май куни ўша машъум ҳодиса рўй берди. Мадаминбек Учқўрғон шаҳри ёнидаги Қоровул қишлоғида сотқинлик сиртмоғига илиниб, ўлдирилди. Унинг ўлими билан боғлиқ тахминлар кўп. Туркиялик ватандошимиз Шаҳобиддин Яссавий “Туркистон аччиқ ҳақиқатлари” китобида “Холхўжа эшон кўнгли қора, кийначи Шермухаммадбек амрига биноан Муҳаммадмаминбекни қатл қилди”, деб ёзади. Мадаминбекнинг сафдоши Аҳрорхўжа Мақсудхўжаев хотираларига кўра, Холхўжа Мадаминбекнинг калласини хуржунга солиб, қизил армиянинг махсус бўлимига жўнатиб юборди.

— Катта бир душмандан қутилдик, хуржунга ўқ солиб, каллани қайтариб юборинглар. Биз фурсат билан чиқиб борамиз, — дейишди махсус бўлимадагилар.

Шу билан Фарғонада қисқа муддат ҳукм сургун тинчлик барҳам топди. Большевиклар ниятига етди. Тумшугидан нари-

дагини кўролмайдиган, мансабпараст, сотқинларнинг нархини ўқ билан баҳолади. Бир-бирларини отиши учун, ўлдириши учун. Катта кучларни бўлиб ташлаб, ҳукмронлик қилиш учун “ҳадя” қилишди ажал ўқларини.

Мадаминбекнинг ҳалол меҳнати, эрк учун ҳайиқмай майдонга чиққулик журъати борлигини ҳурмат қилган оддий халқ унинг боши ва танасини Холхўжадан сотиб олиб, дарё бўйига дафн этганлиги ҳам оғиздан-оғизга ўтиб келаётган мардлик ривоятларидан.

Бахтиёр Абдуғафурнинг “Қонли гуллар водийси: Мадаминбек” романида эса Олой тоғлари оралаб Шермухаммад қўрбоши хузурига кетаётган Мадаминбекни комиссар Зиновьев отиб ўлдиргани ҳақида ёзилган.

Турк тарихчиси Али Бодомчининг “Қўрбошилар” асарида эса Мадаминбекнинг ўлдирилишини советлар уюштиргани хусусида далиллар келтирилади. Унга кўра, бу ишни русларга сотилган Сойиб қори ва Лутфулло Маҳдум амалга оширган.

Уни ким ўлдиргани ҳақида ҳали бир тўхтамга келинган эмас. Лекин бир нарса кундек аниқ: Мадаминбек ўзбек халқининг фидойи фарзанди эди.

Чор Россиянинг “Бир миллатни йўқ қилиш учун унинг тарихини йўқ қилиш керак”, деган шиори ўз аждодларимизга ҳайиқиб қарашимиз, жасоратини хиёнат деб аташимиз, ойдин орзуларини қора бўёқларга бўйшимизга мажбур қилди.

Ўйлантиргани, унинг қабри ўзга юртда ҳали ҳам қаровсиз ётибди. Тўғри, бугун улар ният қилган озод ҳаётга эришилди. Лекин унинг қабри хурриятли кунларнинг шамолидан-да мосуво. Ҳамон адолат талаб қилаётгандек, мусофир юрт офатларига чидаб бериб келмоқда.

КИМ ОБОДЛИКНИ ИСТАМАЙДИ?

Сўнги пайтларда ижтимоий тармоқларда "Кўча бўрилишида икки челақ ахлат тўкилган, масъуллар қаерга қараяпти, буни қачон бартараф этишди", деган мазмундаги иддаолар ортиб бормоқда.

Тўғри, дилни хира қилади-ган ҳолатлар бўйича тегишли идораларга мурожаат қилишга ҳуқуқимиз бор, аммо ана шундай манзарага дахлдор бўлган бурчимизни ҳам унутмаслигимиз лозим.

Аждодларимиз асрлар давомида озодликни, уй-рўзгорни тоза тутишни ҳуш кўришган, саранжом-сарийшта ҳаёт кечирганлар. Қон-қонимизга сингиб кетган бу каби гўзал фазилатлар ҳозирда биров сусайиб бораёпти менимча.

Шаҳар-қишлоқларни кезар эканмиз, кенг кўламдаги ободончилик, бунёдкорлик ишларидан қанчалик хурсанд бўлмайлик, баъзида жойларда уюлиб ётган ахлат-чиқиндиларни кўриб, теварак-атрофда сочилиб ётган бўш пластик идишлар, сигарета қолдиқлари, турли қоғоз парчаларига

кўзимиз тушиб, дилимиз хира тортади. Ҳатто пул алмаштириш шохобчаларида чеклар "уюми" ҳосил бўляпти, ариқлардан оқаётган сувларда зилоллик қолмагандек гўё.

Фарғона шаҳридаги маҳаллардан ахлат-чиқиндилар "сигнал" асосида ташиб кетиляпти, марказий ва туташ кўчаларда чиқинди ташлаш учун махсус жойлар, ахлат қутилари мавжуд. Аммо ҳозиргина тозаланган жойга икки халта маиший чиқиндиларни ташлаб кетаётган кимсалар ҳам йўқ эмас. Бундай ҳолатлар бир оғрик нуқта бўлса, уларни "сотка"сида суратга олиб, ижтимоий тармоқларга жойлаётган шахсларнинг "қахрамонликлари" иккинчи дилхираллик.

Бу каби воқеалар биров мулоҳаза юритишга чорлайди бизни.

– Покланишлик, атроф-муҳитни озода сақлашлик динимизнинг шиорларидан. Мусулмон инсоннинг ҳар бир ибодати борки, энг аввалида поклик туради. Инсон нафси озодаликка рағбат қилувчи, озодаликни яхши кўрувчи деган сифатга эга. Тинчликни, ҳурфикрликни Яратгандан сўраб илтижо этамиз, аммо бизнинг хотиржамлигимиз, дастурхонларимизнинг мўл-кўлчилиги, энг муҳими, дуоларимиз ижобати кўп жиҳатдан юртимизнинг ҳар бир қарич гўшасини озода тутишимизга бевосита боғлиқ, – дейди Фарғона шаҳридаги "Жўйдам" масжиди имом-хатиби Баҳромхोजи Турсунов.

Шаҳардаги кўп қаватли уйлари мавжуд маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари билан суҳбатлашганимизда, ахлат-чиқиндиларни шаҳар ташқарисига



олиб чиқиб ташлаш анча тартибга тушиб қолганини, лекин айрим ёши катталар маиший чиқиндиларни ёш болалар қўлига тутқазиб қўяётгани учун, улар дуч келган жойга улоқтириб юборишаётганини айтиб ўтишди. Бу борада тушунтириш ишлари олиб борилаётганига қарамай, ноҳуш ҳолатлар давом этаётганини тан олдилар.

Дарҳақиқат, ёш болалар-ку ахлат-чиқиндиларни хоҳлаган жойга ташлаб кетиш мумкин эмаслигини англаб етмаслар,

аммо ота-оналар фарзандларини эзгу ишларга, озодаликка, саранжом-сарийшталикка, атрофни ораста сақлашга ўргатмас экан, ҳатто номақбул иш билан бировнинг дилини оғритиш гуноҳлигини тушунтирмас, насиҳатлар зое кетаверади.

Ободлик кўнгиладан бошлади. У тоза, беғубор бўлса, мудом озодалик, саранжомлик, кўркемлики истади. Кўнгилийимизни-да обод сақлайлик, токи у ҳаёт тарзимизга кўчсин!

Муаттар МАҲМУДОВА.

ЭЪЛОНЛАР

ТАДБИРКОРЛАР ВА ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ КЕНГАЙТИРИШ ИСТАГИДА БЎЛГАН ИШБИЛАРМОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 март кунги "Кичик саноат зоналари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 134-сонли ҳамда вилоят Махсус иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашининг 2022 йил 10 март кунги 20-сонли йиғилиш қарорига асосан, кичик саноат зоналаридаги ишлаб чиқариш майдонларига импорт ўрнини босувчи экспортбоп саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаларини жойлаштириш бўйича тендер танловлари ўтказилиши маълум қилинади.

Тендер танловига Фарғона шаҳар, Авиасозлар кўчаси, 2-уйда жойлашган "Фарғона механика" кичик саноат зонасидаги бўш турган ер участкалари қўйилади.

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 март кунги 134-сонли қарори билан тасдиқланган инвестиция бюртманомаси.
2. Лойиҳани асослантурувчи бизнес режа.
3. Тадбиркорлик субъектининг рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва низом нусхаси (жисмоний шахс бўлса паспорт нусхаси).
4. Танловда фақат нодавлат юридик шахс мақомига эга бўлган тадбиркорлик субъектлари иштирок этиши мумкин.

Бизнес режада қуйидагилар ўз ифодасини топган бўлиши шарт:

- инвестиция миқдори (суммаси), молиялаштиришнинг аниқ манбалари (ўз маблағлари ёки банк кредитлари);

- ишлаб чиқариладиган маҳсулот тури ва сони (ишлаб чиқариш ҳажми ойда, чорақда, йилда), лойиҳани ишга тушиш муддати ва уларни бажариш шартлари, яратиладиган янги иш ўринлари ва бошқалар.

Тендер танлови учун ҳужжатлар Фарғона шаҳар, Авиасозлар кўчаси, 2-уй ("Фарғона механика" кичик саноат зонаси)да жойлашган вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги "Кичик саноат зоналарини бошқариш бўйича ягона дирекцияси" маъмурияти томонидан эълон чоп этилган кундан эътиборан бир ой муддат мобайнида қабул қилинади.

**Мурожаат учун телефонлар:
73 226-46-36, 91 654-32-54.**

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

"Фарғона агросервис "Машина трактор парки" масъулияти чекланган жамияти ижроия органи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги "Иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 168-сонли қарори, ушбу қарор ижросини таъминлаш бўйича "Ўзгросервис" АЖ Кузатув кенгашини 2022 йил 27 апрелдаги мажлисининг қарори ҳамда "Фарғона агросервис "Машина трактор парки" масъулияти чекланган жамияти директорининг 2022 йил 13 майдаги 14-ич сонли буйруғига мувофиқ, туман-шаҳар "Агросервис МТП" МЧЖларга тегишли кўчмас мулк объектлари, қишлоқ хўжалик техникалари, транспорт воситалари, агрегатлар, дастгоҳлар, ускуналар ҳамда бошқа асосий воситалар бозор баҳосини аниқлаб баҳолаш хулосасини бериш бўйича мустақил баҳолаш ташкилотлари ўртасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танловда қатнашиш истагида бўлган баҳолаш ташкилотлари интернет ахборот порталида берилган қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари талаб этилади:

1. Танловда қатнашиш тўғрисида мурожаат.
2. Баҳолаш ташкилоти тўғрисида тўлиқ маълумот.
3. Баҳолаш фаолияти билан шуғулланиш бўйича лицензия ва сертификат нусхалари.
4. "Фарғона агросервис "Машина трактор парки" МЧЖ ва туман-шаҳар "Агросервис МТП" МЧЖларга тегишли кўчмас мулк объектлари, қишлоқ хўжалик техникалари, транспорт воситалари, агрегатлар, дастгоҳлар, ускуналар ҳамда бошқа асосий воситаларнинг бозор баҳосини аниқлаб баҳолаш хулосасини бериш бўйича хизмат ҳақининг минимал миқдори ва ҳар бир туман-шаҳар МТП бўйича бажариш муддатлари аниқ акс этган жадал.

Барча таклиф (ҳужжат ва маълумот)лар конвертга солинган ва муҳрланган ҳолда қабул қилинади. Танловга қатнашувчиларнинг ҳужжатлари 2022 йил 1 июнь куни соат 16:00 гача қабул қилинади. Таклифлар Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар, Қомус кўчаси, 40-уйда қабул қилинади.

Танлов ўтказиш санаси ва вақти: 2022 йил 2 июнь, соат 10:00.

Жамиятга кўрсатилган муддатдан кечиктирилиб келган таклифлар кўриб чиқилмайди. Алоқа телефонлари: 73 244-30-48.

"Фарғона агросервис "Машина трактор парки" масъулияти чекланган жамияти ижроия органи.

Фарғона 2-тиббийет коллежини 2017 йилда тамомлаган Абдуллаева Хаётхон Уйғунжон қизи номига берилган К 4768723 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Фарғона касб-ҳунар мактаби (собиқ Фарғона компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежи)ни 2016 йилда тамомлаган Закиров Хусниддин Баҳриддин ўғли номига берилган К 4346671 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Олтиариқ тумани 36-ўрта таълим мактабини 1981-1982 ўқув йилида тамомлаган Сотволдиева Сайёра Нурҳокимовна номига берилган D 072816 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Фарғона шаҳар 25-физика фанига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби (собиқ Фарғона шаҳар 25-ўрта таълим мактаби)ни 2014-2015 ўқув йилида тамомлаган Зокиров Асадбек Маматиброхимович номига берилган U 7125171 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Фарғона касб-ҳунар мактаби (собиқ 2-Фарғона ижтимоий иқтисодиёт коллежи)ни 2019 йилда тамомлаган Хакимов Шохжаҳон Нодиржон ўғли номига берилган К 5685199 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Фарғона шаҳар 7-ўрта таълим мактабини 1990-1991 ўқув йилида тамомлаган Аталикова Гулбаҳор Баҳромовна номига берилган 254947 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Якка тартибдаги тадбиркор Махсудова Наргиза Шухратовна номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Фарғона давлат университетини 2004 йилда тамомлаган Тошматов Азимжон Тохиржонович номига берилган B 162709 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Марғилон шаҳар, Тинчлик кўчаси, 400-уйда жойлашган "Shohrux star trade" хусусий корхонаси номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Олтиариқ тумани 29-ўрта таълим мактабини 1994 йилда тамомлаган Раззоқова Анорхон Хамдамовна номига берилган U 0150348 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Фарғона 2-тиббийет коллежини 2015 йилда тамомлаган Марифова Нилуфар Зоҳиджон қизи номига берилган К 3935666 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Фарғона имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-ҳунар мактаби (собиқ Фарғона Республика ногиронлар касб-ҳунар билим юрти)ни 2007 йилда тамомлаган Каримова Зарина Хошимовна номига берилган К 750507 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ФАРҒОНАДА ҲУДУДИЙ ТАРМОҚЛАРАРО САНОАТ ЯРМАРКАСИ БЎЛИБ ЎТАДИ

FARG'ONA VILOYATI HUDUDIIY TARMOQLARARO SANOAT YARMARKASI

2022 YIL
9-10 IYUN
O'Z MAHSULOTINGIZ BILAN ISHTIROK ETING

- NEFT VA GAZ SANOATI
- QURILISH MATERIALLARI SANOATI
- MASHINASOZLIK SANOATI
- TO'QIMACHILIK VA IPAK SANOATI
- TURIZM VA GASTRONOMIK TURIZM

Farg'ona shahri, "Samo" sport majmuasi
Tel.: 73 244-07-59, 91 327-01-10

Жорий йилнинг 9-10 июнь кунлари Фарғона шаҳридаги "Само" спорт мажмуасида тўқимачилик ва ипакни қайта ишлаш, чарм-пойабзал, мебелсозлик, нефть ва газ, маиший буюмлар, қурилиш материаллари, кимё, электротехника, фармацевтика саноатлари, озиқ-овқат ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашга ихтисослашган корхоналар ўртасида Фарғона вилояти Ҳудудий тармоқлараро саноат ярмаркаси ташкил этилади.

Бундан кўзланган мақсад иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудий корхоналарнинг саноат салоҳиятини янада ошириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, маҳаллийлаштиришни кенгайтириш, шунингдек, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудий корхоналар ўртасида тармоқлараро саноат кооперацияси алоқаларини янада мустаҳкамлашдан иборат.

Ҳудудий тармоқлараро саноат ярмаркасида Фарғона вилоятида фаолият юритаётган ҳамда барча вилоятлардан ташриф буюрадиган 350 дан зиёд йирик саноат корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўз маҳсулотлари билан қатнашади.

Шунингдек, республика вазирликлари, вилоятларнинг 1000 дан ортиқ ҳудудий саноат корхоналари ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш мақсадида мазкур ярмаркада бевосита иштирок этади.

Нуфузли тадбирда ҳудудий корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар, хомашё ва материалларнинг алоҳида турлари кўргазмаси ташкил этилади, соҳаларни янада ривожлантириш юзасидан янги лойиҳалар тақдими ўтказилади, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида узоқ муддатли барқарор кооперация алоқаларини ўрнатиш ва манфаатли шартномалар тузиш, йўналишлар бўйича кластерлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш имкониятлари яратилади.

Ҳаммаси шундан бошланади. Суратингиз тагида бошбармоқни қўйиб "овоз беринг" деб ёзиб қўйишда ва тарғиботни бошлайсиз. Қавм-қариндош, қўни-қўшни, маҳалла-қўй, ёру биродарлар, жамоадошларга хижолат билан овоз беришларини илтимос қиласиз. Сизни таниган-билган бирма-бир "лайк" билан сийлаб чиқади. Қўлингизда телефон билан кунма-кун худди пул санагандек овоз санай бошлайсиз. Баъзилар вақт топа олмаса, ўпкалаб ҳам қўясиз: "нега, мен учун жон қуйдирмаяпти?!"

Шерикларни доғда қолдирман деб юргангизда бир кун шундоқ қарасангиз, ўзи 100 ёки 150 нафар одам базўр танийдиган рақибингиз 5 мингта овоз олиб илгарилан кетган бўлади. Ҳайратга тушасиз, жаҳлингиз чиқади, ишонгингиз келмайди. Кўчама-кўча "илтимос, менга овоз беринг" деб юрса ҳам бунча бўлмасов" дея иккиланасиз.

Бу биргина сизнинг эмас, бугун кўпчиликнинг гашига тегаётган сохталик, фирромлик, яъни – сунъий равишда овоз ошириш "касаллиги"дир. Бу кўча тилида "накрутка" деб номланади. "Накрутка" – ижтимоий тармоқда жараёни умумлаштириш усуллари билан бири бўлиб, баъзи жиҳатлар сабаб илгари сурилган манбага сунъий равишда натижалар оширилади. Сиз бу сохталикдан фойдаланиб, тармоқ фойдаланувчиларини бемалол алдаш имконига эга бўласиз. Ташрифлар сонини сунъий кўпайтириб, мен юритадиган телеграм канали ёки сайтга шунча одам киради деган ташвиқотни амалга оширишингиз ва бошқа сайтдаги хатти-ҳаракатлар омилларини ҳам

"НАКРУТКА" БАЛОСИ: "ИЛТИМОС, МЕНГА ОВОЗ БЕРИНГ!"

Бугун шиддат билан ўзгариб бораётган замон тобора бизни ҳам ўзига маҳлиё қилиб, баъзида ўз ногорасига ўйнатмоқда. Шу боис, орамизда кадр-қимматини баланд тутиб, жамоатчилик эътиборини тортиш, ижтимоий тармоқларда муҳокама юлдузи бўлишни истайдиганлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Агар шунини хоҳласангиз бас: йўллари кўп, шароит бисёр. Ўйратма танловга номзодингизни қўясиз, башанг бўлиб суратга тушиб жўнатиб юборасиз. Уёеи ким эпчилу, ким чаққон деган ўйинга ўхшаб кетади.

сохташтиришингиз мумкин.

Бу сунъий рақамли кўрсаткичлар билан ишлашни IT мутахассислари, асосан ижтимоий медиа маркетинглар пухта ўзлаштирган. Улар бундай усуллар орқали ижтимоий тармоқлардаги ўз бозор майдонларига мижозларни жалб қилиш, ушлаб туриш ва сотиш ишларини амалга оширадидлар. Аксарият ижтимоий тармоқларда ушбу

"қора" алдашга қарши кураш олиб борилмоқда. Чунки бу усулда "тарғиб қилиш" маълум бир тўловни талаб қилади. Энг ёмони, барчани ҳақиқий натижа, асл баҳодан чалғитади.

Инсоннинг кадр-қиммати сохта "лайк"лар билан эмас, ҳалол меҳнат, ибрат, ҳаётий тажриба билан ўлчанади. Шу маънода, балки йиғилган овозларингиз камдир, лекин шунини унутмангки, бу нисбий тушунча. Барибир, бир кун келиб, адолат қарор топади. Доно халқимиз мақолида айтилганидек, ҳақиқат эгилади, букилади, лекин синмайди...

Комила ИСРОИЛОВА,
Фарғона давлат университети матбуот котиби.

Жиноятга жазо муқаррар

Бугунги кунда ёшларнинг осон йўл билан пул топишга уринишлари оқибатида турлитуман жиноятлар содир этилмоқда. Аксарият ҳолларда бировнинг мулкига эгалик қилиш майли темир панжара сари етакляпти. Ҳали йигирма ёшга кириб улгурмаган шахсларнинг "орзу"лари ҳам ушалмади.

"ОРЗУ"ЛАРИ УШАЛМАДИ

2004 йилда туғилган А.Э. жиноий шериги, 2007 йилда туғилган Д.И. билан олдиндан тил бириктириб, жорий йилнинг март ойида Фарғона тумани, "Юқори арча" МФЙ ҳудудидаги ер майдонларини суғориш учун зовур-қудуққа ўрнатилган, фуқаро М.М.га тегишли 3 000 000 сўмлик "Глубинка" русумли сув насосини яширин равишда талон-торож қилишди. Аммо тезкор қидирув-суриштирув натижасида мазкур жиноят бўйича гумонланганлар қўлга олинди. Ускуна далилий ашё тариқасида яширилган жойдан топилди.

Айбларига тўлиқ иқроор бўлган А.Э. ва Д.И.га нисбатан Ўзбекистон Республикаси

ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми "в" банди бўйича жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Баҳодиржон АБДУМАЛИКОВ,
Фарғона тумани ИИБ ҳузуридаги ТБ терговчиси, катта лейтенант.

МУАССИС: «Farg'ona haqiqati» va «Ferganskaya pravda» gazetalarini tahririyati» MChJ	2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган.	Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳар, Сохибқирон Темур кўчаси, 28-уй.
Бош муҳаррир в.б.: Рустам ОРИПОВ.	Газета "Полиграф-Пресс" МЧЖ босмахонасида таҳририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-3 формат (8 саҳифа)да 9 814 нусхада чоп этилди. Буюртма: 350. Босмахона манзили: Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри, Туркистон кўчаси, 236-«б» уй.	Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73 226-02-70. Реклама ва эълонлар: 73 226-71-24. Саҳифаловчи: Алишер Розиков. Босишга топшириш вақти: 19.00. Топширилди: 17.00.